Илмом ва унга тегишли жузъий масалалар

05:00 / 16.01.2017 3022

Таматтуъ ҳажи ниятидаги ҳайзли аёлни умрани тарк этиб, ҳаж эҳромига кириши

Бир аёл ҳаж кунларида умра эҳромини боғлаб, Ҳарами шарифга йўл олди. Лекин, йўлда ёки Ҳарами шарифга етганда, унинг ҳайзи бошланди. Бу узр ҳолати давом этиб турганида 8-зулҳижжа, яъни ҳажга эҳром боғлайдиган кун ҳам келди. Энди, бу аёл умра эҳромини тарк этиб, ҳаж эҳромига кириши лозим бўлади. Чунончи, ҳазрати Оиша онамиз розияллоҳу анҳо ҳам шундай қилган эдилар. Бу суратда унинг таматтуъ ҳажи бекор бўлиб, у ифрод ҳажи қилувчига айланади ва унинг зиммасидан шукр қурбонлиги соқит бўлади. Лекин ҳаж амалларидан фориғ бўлиб, эҳромдан чиққач, у аёлнинг зиммасига (умра эҳромини тарк этгани учун) умра қазосини адо этмоғи ва жарима сифатида бир қурбонлик қилмоғи лозим бўлади.

("Фатҳул мулҳим").

Қирон ҳажи учун эҳромга кирган аёл ҳайз сабабли умра қила олмаслиги ҳукми

Бир аёл қирон ҳажи учун эҳромга киргандан сўнг ҳайзи бошланиб қолгани сабабли қирон умрасини қила олмай, фақат ҳаж қилса, бу суратда унинг қирон ҳажи ифрод ҳажига айланади ва ундан шукр қурбонлиги соқит бўлади. Лекин, унга ҳажни адо қилиб бўлганидан сўнг бир умра ва жарима сифатида бир қурбонлик қилиш лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

Мадинадан қайтиб келаётган аёл ҳайз сабабли умра арконларини тарк қилиши

Бир аёл ватанидан таматтуъ ҳажини ирода қилиб, Маккаи мукаррамага бориб, умра арконларини адо этгач, эҳромдан чиқиб, сўнг ҳаждан олдин Мадинаи мунаввара жўнаб кетди. У ердан қайтаётиб, янгитдан Зул-хулайфада умра эҳромига кирди, лекин йўлда ҳайзи бошланиб қолди. Унинг бу узрли ҳолати 8-зулҳижжа, яъни ҳажга эҳром боғланайдиган кунгача давом этгани сабабли у умра арконларини адо эта олмай, умра эҳромини тарк қилди ва ҳаж эҳромига кирди. Бундай ҳолда у аёл учун шаръий ҳукм нима?

Бу суратда у аёл умра эҳромидан чиқиб, ҳаж эҳромига киради. Ҳаждан кейин, тарк қилинган умранинг қазосини адо этмоғи лозимдир ва бу аёлнинг ҳажи - таматтуъ ҳажи бўлади. Негаки, у ҳаж ойларида бир умра қилган эди ва ундан кейин томм (мукаммал) ва саҳиҳ илмом вужудга келмади, яъни у ватанига қайтиб бормади. Мадинаи мунаввара эса унинг ватани эмас. Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздиларида илмом саҳиҳ бўлмаса, таматтуъ ҳажи дуруст бўлади.

Мазкур аёлнинг зиммасига икки қурбонлик вожиб бўлади.

1. Таматтуъ саҳиҳ бўлгани сабабли бир шукр қурбонлиги вожиб бўлади ва у аёл учун ўзи сўйдирган ўша жонивор гўштидан емоқ ҳам жоиздир.

2. У аёл учун умраси бузилгани сабабли бир каффорат қурбонлиги ҳам вожиб бўлади. Бироқ унинг гўштидан емоқ у аёл учун жоиз эмас ва бу гўштни садақа қилмоғи вожибдир.

Бундан ташқари, айтганимиздек у аёлга бузилган ва тарк бўлган умра қазосини адо этмоғи ҳам лозим бўлади.

Ҳаж эҳромига кирувчи Ҳарам ташқарисида эҳромга кирса

Макка аҳли ва таматтуъ қилувчи ҳаж эҳромини Ҳарамдан ташқарига чиқиб боғласа, нима бўлади?

Макка аҳли ҳаж эҳромини Ҳарам ҳудудида боғлаши вожибдир. Шу каби таматтуъ қилувчи ҳам ҳаж эҳромини Ҳарам ҳудудида боғлаши вожибдир. Чунки, у умра эҳромидан чиқиб, Маккаи мукаррамада муқим бўлгач, аҳли Макка ҳукмида бўлади ва унинг ҳаж эҳромига кириши учун Ҳарам ҳудудигина мийқот ҳисобланади. Ҳарам ҳудудидан ташқарига чиқиб ҳаж эҳромини боғласа, мийқотни тарк қилгани сабабли қурбонлик қилиши вожиб бўлади. Албатта, Ҳарам ҳудудига қайтиб, иккинчи бор эҳром боғласа, қурбонлик соқит бўлади.

("Ғунятун носик").

Умра эҳромини Ҳарам ҳудудида боғлаш

Умра эҳромини Ҳарам ҳудудида боғлаш ҳеч бир киши учун жоиз эмас. Уни Ҳарам ҳудудидан ташқарида боғлаш вожибдир. Бунинг аксини қилган кишига қурбонлик (қўй ёки эчки) вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").

Умрадан кейин таматтуъ қилувчи Ҳарам ҳудудидан ташқарига чиқса

Таматтуъ қилувчи киши умра арконларини бажаргандан сўнг эҳромдан чиқиб, Маккаи мукаррамада муқим бўлиб турса ва бу орада, ҳаж мавсуми бошланмасдан олдин Ҳарам ҳудудидан ташқарига – ҳилга чиқса-ю, лекин мийқотдан ўтиб кетмаса, унинг таматтуъ ҳажи боқий тураверади. Дейлик, ўша киши ҳаждан олдин Маккада турган вақтида бирор зарурат билан Жидда шаҳрига борса, сўнг қайтиб келиб ҳаж қилса, барча имомларнинг наздида, унинг таматтуъ ҳажи саҳиҳдир. Чунки, у мийқотдан ўтиб

кетмаганлиги учун саҳиҳ илмом ҳам, фосид илмом ҳам рўй бермади. Илмом рўй бермагач, таматтуъга бирор нуқсон етмайди.

("Ал-жавҳаратун найййира", "Ғунятун носик").

Умранинг фарз ва вожиблари

Умранинг жами амаллари тўрттадир:

1. Эҳром боғлаш (шарт). Умра эҳроми Ҳарам ҳудудидан ташқарида боғланиши лозим. Офоқий бўлса, мийқотда ёки мийқотга етмасдан, Ҳарам ҳудудида яшовчилар ва ҳил аҳллари эса Ҳарам ҳудудидан ташқарида, яъни ҳилда эҳром боғлашлари лозимдир.
2. Тавоф қилиш (фарз)
3. Сафо ва Марва орасида саъй қилиш (вожиб)
4. Соч қирдириш ёки қисқартириш (вожиб)

("ад-Дуррул мухтор")

Умра амаллари орасидаги тартиб

Умранинг юқорида зикр қилинган тўрт амаллари орасида тартибни сақлаш лозим ва зарурийдир. Бунинг тафсилоти қуйидагича:

Умра тавофини умра саъйидан олдин қилиш саъйнинг дуруст бўлиши учун шартдир. Шунинг учун аввал саъй қилиб, сўнг тавоф қилган кишининг аввалги саъйи саҳиҳ бўлмайди. Яъни, каффоратига қурбонлик қилиш кифоя қилмайди, балки тавофдан кейин иккинчи бор саъй қилиш лозим бўлади.

Саъй билан соч қирдириш орасида тартибни сақлаш вожибдир, шарт эмас. Яъни, аввал саъй қилиб, кейин соч қирдириш ёки қисқартириш вожибдир. Агар умра тавофидан сўнг соч олдириб, кейин саъй қилса, қурбонлик қилиш лозим бўлади. Тартибга риоя этган ҳолда саъй ва соч олдиришни иккинчи бор қайта бажариш лозим эмас ("Ғунятун носик").

Умрадаги хатолар учун бадана ёки садақа эмас, балки қурбонлик вожиб бўлади

Агар киши умра арконларини адо этиш асносида билиб ёки билмасдан бирор жиноятни амалга оширса, жаримасига қурбонлик (қўй, эчки) ёки ўша амални қайта бажариш лозим бўлади. Умрада йўл қўйилган камчиликлар жаримасига ҳеч бир суратда бадана (туя, мол ёки қўтос) қурбонлик қилиш ёки садақа бериш лозим бўлмайди.

("Ғунятун носик").

Умранинг ҳукми

Умра қилиш фарз ёки вожиб эмас, балки саҳиҳ қавлга кўра, имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида, умра қилиш суннати муаккададир. Умра қилиш учун бирор хос вақт – ой ёки кун белгилаб қўйилмаган. Умрани йил давомида – хоҳлаган пайтда қилса, бўлаверади. Албатта, зулҳижжанинг 9-кунидан 13-кунигача (бу кунларда ҳаж арконларига машғул бўлиш лозим бўлгани учун) умра қилиш манъ этилгандир.

("ад-Дуррул мухтор)".

Рамазонда умра қилиш

Киши бутун йил давомида умра қилиши мумкин. Лекин, муборак рамазон ойида амалларнинг савоби етмиш марта ортади. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Рамазон умраси мукаммал бир ҳажга баробар бўлади" (“Муттафақун алайҳ”).

Яна бир ҳадисда, муборак рамазонда умра қилиш туфайли киши Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳаж қилгандек бўлиши зикр қилинган ("Саҳиҳи Муслим").

Шунинг учун, агар имкон бўлса, рамазон ойида умрага бориш керак.

Ҳаж кунларида умра қилиш

Ҳаж кунлари, яъни зулҳижжанинг 9-кунидан 13-кунигача бўлган давр мобайнида умра қилиш жоиз эмас ва бу манъ қилингандир. Чунки Аллоҳ таоло бу кунларни ҳаж амаллари учун хослаб қўйган. Агар ушбу беш кунда умра қилишга киришилса, ҳаж амаллари саҳиҳ тарзда адо бўлмайди. Шунинг учун бу кунларда умра қилиш гуноҳ ҳисобланади. Бу беш кундан ташқари йилнинг барча кунларида, хоҳлаган вақтда умра қилса бўлаверади.

("Ҳидоя", "ад-Дуррул мухтор", "Ғунятун носик")

Ҳожининг қурбонлик ва ташриқ кунларида умра қилиши

Ҳожи учун арафа кунидан зулҳижжанинг 13-кунигача, яъни беш кун давомида умра қилиш умуман жоиз эмас. Шунинг учун, агар ҳожи қурбонлик кунларида ҳажнинг барча арконларини адо этиб, эҳромдан чиққач, аниқроғи, қурбонлик, соч олдириш, тавофи зиёрат – ҳаммасидан фориғ бўлгач, қурбонлик куни ёки 13-зулҳижжа қуёши ботишидан аввал қайси вақт бўлса ҳам Ҳарам ҳудудидан ташқарига чиқиб, умра эҳромини боғлаб, сўнг умра қилса, унинг бу умраси адо бўлишга-ку, адо бўлади,

лекин унинг зиммасига бир қурбонлик сўйиш ҳам вожиб бўлади. Чунки, мазкур кунларни Мино ва ҳаж амалларини адо этиш учун холи қилиб қўйиш вожиб эди.

("Маносики Мулло Али Қорий", "Ғунятун носик")

Ҳаж қилмоқчи бўлмаган кишининг ҳаж кунларида умра қилиши

Ҳаж қилувчилар учун арафа кунидан зулҳижжанинг 13-кунигача бўлган беш кун мобайнида умра қилиш манъ этилган бўлиб, бунга хилоф қилсалар, зиммаларига қурбонлик вожиб бўлиши юқоридаги масаладан маълум бўлди.

Савол: Ҳаж қилмоқчи бўлмаган кишининг мазкур кунларда умра қилиши жоизми ёки йўқми? Чунончи, ҳаж учун эҳром боғламаган ва жорий йилда ҳаж қилишни ният қилмаган Макка ҳамда унинг атрофида яшовчи аҳоли ёки у ерда вақтинча муқим бўлиб турган кишилар шу беш кун мобайнида умра қилсалар, бўлаверадими?

Жавоб: Ҳаж кунларини ва бу кунларда адо этиладиган ҳаж амалларини ҳурмат қилиш ҳожи ва ҳожи бўлмаганларнинг барчаси учун бирдай зарурийдир. Шу боис ҳожи бўлмаган киши учун ҳам бу кунларда умра қилиш манъ этилган ва макруҳи таҳримий бўлиб, қурбонликни вожиб қилувчидир. Чунки, ҳаж кунларидан ташқари бутун йил бу одамларнинг ўз ихтиёрида турибди, қачон хоҳласалар, умра қилишлари мумкин.

(“Ғунятун носик”)

Умра эҳромини манъ қилинган кунларда боғлаш

Умра эҳромини манъ қилинган кунларда боғлаш, амалларини эса бу кунлар ўтгандан сўнг бажарса нима бўлади?

Арафа кунидан зулҳижжанинг 13-кунигача бўлган (беш кун) вақт мобайнида таматтуъ ва қирон умрасидан ташқари бошқа бирор умра қилиш мумкин эмас, акс ҳолда қурбонлик вожиб бўлади. Лекин, қурбонлик вожиб бўлиши учун иккита шарт топилиши керак. Бу икки шартдан биттаси топилмаса ҳам, қурбонлик вожиб бўлмайди. Бу икки шарт:

1) умра эҳромини ўша беш кун ичида боғлаш;

2) эҳром боғлагандан сўнг, умра арконларини ўша беш кун ичида адо этиш.

Агар киши умра эҳромини ўша беш кундан олдин боғласа, лекин умра амалларини беш кун ичида адо этса, қурбонлик лозим бўлмайди. Шунингдек, агар беш кун ичида умра эҳромини боғлаб олса-ю, лекин умра амалларини бу кунлар ичида адо қилмай, балки, бу кунлар ўтгандан кейин адо қилса, бунда ҳам қурбонлик лозим бўлмайди.

("Маносики Мулло Али Қорий", "Ғунятун носик").

Фақат умра қилиш учун борган киши тавофи қудум ва тавофи вадоъ қиладими?

Фақат умра қилувчи учун қудум ва вадоъ тавофларини қилиш зарурий эмас. Киши умра эҳромини боғлаб, Ҳарами шарифга етиб боргач, ишни умра тавофидан бошлайди, тавофи қудум қилмайди. Худди шундай у ердан қайтаётганда, тавофи вадоъ қилиш ҳам вожиб бўлмайди, балки тавофи вадоъсиз қайтиб кетаверади. Агар умра қилиб, қайтаётган вақтида тавоф қилса, бу тавоф нафл тавоф бўлади, вожиб тавоф эмас. Баъзи уламолар умра қилиб қайтаётган кишига ҳам тавофи вадоъни вожиб, дейишади. Лекин, қувватли ва фатво берилган қавл шуки, умрадан қайтишда тавофи вадоъ вожиб ёки суннат эмас, балки фақат нафл ва

мустаҳабдир. Шунинг учун, умра қилувчи киши тавофи вадоъ қилса, афзал ва яхшидир, аммо қилмаса, ҳеч қандай зарар йўқ.

("Маносики Мулло Али Қорий", "Ғунятун носик").

Ҳаж ойларида таматтуъ қилувчининг қайта-қайта умра қилмоғи

Таматтуъ қилувчи кишининг ҳаж ойларида, яъни шаввол, зулқаъда ойлари ва зулҳижжанинг дастлабки ўн кунида такрор-такрор умра қилиши қандай бўлади? Қувватли ва саҳиҳ қавлга кўра, ҳаждан олдинги мазкур вақтларда қайта-қайта умра қилмоқ бекароҳат жоиз ва дурустдир. Бунда ҳеч қандай зарар йўқ ("Ғунятун носик", "Авжазул масолик").

Лекин айрим уламоларнинг: “Таматтуъ қилувчи киши умра арконларидан фориғ бўлгач, иккинчи бор умра қилса, унинг таматтуъси ботил бўлади”, деган гаплари саҳиҳ эмас. Балки, қанча умра қилса ҳам, охирги умра воситаси билан унинг таматтуъси саҳиҳ бўлаверади.

("Фатово Махмудийя").

Макка аҳлининг ҳаж ойларида умра қилмоғи

Макка аҳли учун ҳаж ойларида қайта-қайта умра қилмоқ бекароҳат жоиздир, магар бутун йил бўйи фақат беш кун - зулҳижжанинг 9-кунидан 13-кунигача умра қилмоқ макруҳдир. Бу беш кундан ташқари йилнинг қолган барча кунларида умра қилмоқ Макка аҳли ва маккалик бўлмаганлар учун ҳам бирдай дурустдир.

("Ғунятун носик").

Кўп тавоф қилиш афзалми ёки кўп умрами?

"Маккаи мукаррамада турган вақтда кўпроқ тавоф қилган афзалми ёки кўпроқ умрами?", деган масала ҳам аҳамиятга лойиқдир.

Фуқаҳолар ёзадиларки, Маккаи мукаррамада турган вақтда кўпроқ тавоф қилиш қайта-қайта умра қилишдан кўра афзал ва зиёда ажру савобга эгадир.

Бунинг турли сабабларини уламолар қуйидагича ёзадилар:

1. Баъзи уламолар наздида, бир йилда бир марта умра қилиш яхши, лекин бир йил ичида бир неча умра қилиш яхши эмас. Бу қавл имом Молик раҳимаҳуллоҳга нисбат берилади. Аммо барча уламолар наздида, тавоф ҳар вақт яхши ва кўп ажру савобларга эгадир.

2. Баъзи фуқаҳолар эса умра фақат офоқийга хосдир, дейдилар. Гарчи бу қавл заиф ва қувватсиз бўлса-да, лекин бундан фуқаҳолар ихтилофи собит бўлади, тавоф эса Макка аҳли учун ҳам, офоқий учун ҳам баробар жоиздир ва улуғ ажру савобга эгадир.

3. Тавоф - мустақил ва мақсуд биз-зот бўлган (алоҳида ўзи қасд қилинган) ибодатдир. Яъни, тавоф учун эҳром ҳам, саъй ҳам, соч олдириш ҳам, бошқа нарсалар ҳам лозим эмас. Бироқ, умра учун эҳромга кириш, тавоф, саъй ва ундан сўнг соч олдириш ҳам лозимдир. Шунинг учун умра тавофининг ўзи алоҳида мустақил ибодат эмас.

4. Тавоф йил мобайнида, ҳар вақт бекароҳат жоиздир. Умра эса арафа, қурбонлик ва ташриқ кунлари манъ қилингандир. Яна, бир умрани адо қилгунча бир неча тавоф қилиш мумкин. Шу сабабларга кўра, кўп тавоф қилмоқ кўп умра қилмоқдан афзалдир.

("Ғунятун носик").

Ҳажни тарк қилиб, умра қилиш

Агар бир кишининг зиммасида ҳаж фарз бўлса-ю, лекин у ҳаж қилмасдан умра қилса, бу кишининг умраси шаръий жиҳатдан дурустдир. Лекин ҳажни кечиктиргани сабабли қаттиқ гуноҳкор бўлади. Аллоҳ асрасин, шу ҳолатда ҳаж қилмай ўлиб кетса, қаттиқ азобга мустаҳиқ (лойиқ, ҳақли) бўлади. Шунинг учун аввал ҳаж қилиб олмоқ ва ундан кейин, имкони бўлса, умра қилмоқ керак.

("ал-Баҳрур роиқ").

Бир умрадан кейин соч қирдирмай, иккинчи умра қилишнинг жаримаси

Умра арконларини адо қилгандан сўнг сочни қирдириш ёки қисқартириш вожибдир. Шунинг учун бир умра қилиб, сочни қирдириш ёки қисқартиришдан олдин иккинчи умра қилиб олинса, жаримасига бир қурбонлик вожиб бўлади. Худди шундай, агар иккинчи умрадан кейин ҳам сочни қирдирмай, учинчи умрани қилса, жаримасига иккинчи қурбонлик ҳам вожиб бўлади.

(“Ҳидоя”, “Фатҳул Қадийр”, “Китобул фиқҳ”).

Ҳарам ҳудудидан ташқарида яшовчи умра қилиб, сочини қирдирмай уйига кайтса

Агар Ҳарамдан ташқарида яшовчи киши умра қилиб, сочини қирдирмасдан уйига келиб, сўнг сочини қирдирса ёки қисқартирса, Ҳарам ҳудудидан ташқарида соч қирдиргани ёки қисқартиргани жаримаси учун унга бир қурбонлик вожиб бўлади.

(“Ғунятун носик”, “Фатово Раҳимийя”).

Ҳарамдан ташқарида яшовчи киши

Агар Ҳарам ҳудудидан ташқарида яшовчи киши бир умра қилиб, сочини қирдирмай, иккинчи умрани ҳам қилса, сўнг сочини қирдирмай ватанига кетса, ватанига бориб, қачон бўлса ҳам сочини қирдирса, унга икки қурбонлик вожиб бўлади: биринчи қурбонлик - биринчи умрадан кейин соч қирдирмагани сабабли; иккинчи қурбонлик - иккинчи умра учун сочини Ҳарам ҳудудидан ташқарида қирдиргани сабаблидир.

Лекин бу масалада бир оз ихтилоф бор. Имом Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, соч қирдириш учун Ҳарам ҳудуди бўлиши вожибдир. Имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ наздларида эса, сочни қирдириш ёки қисқартириш учун Ҳарам ҳудуди бўлиши вожиб эмас. Шунинг учун имом Абу Ҳанифа ва имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида Ҳарам ҳудудидан ташқарига бориб соч қирдиргани сабабли бир қурбонлик вожиб бўлади, аммо имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ наздларида ундай кишига қурбонлик вожиб эмас. Имом Абу Юсуф “Соч қирдириш ёки қисқартириш Ҳарам ҳудудига хослаб қўйилган эмас, балки уни қаерда бўлса ҳам амалга ошириш жоиздир”, деб айтадилар.

Лекин фатво берилган ва қувватли қавл шуки, бундай ҳолатда қурбонлик қилиш вожибдир. Агар маккалик (Ҳарам ҳудудида яшовчи) киши шундай қилса, унга биринчи умрадан кейин аввал соч қирдирмагани сабабли фақат бир қурбонлик вожиб бўлади, холос.

(“Фатҳул Қадийр”, “Ғунятун носик”, “Фатово Раҳимийя”)

Умра қилгач, соч қирдирмай хотини билан қўшилган маккаликнинг жаримаси

Агар маккалик ёки Маккада муқим бўлиб турган киши умра қилгач, ҳали сочини қирдирмай туриб, хотини билан қўшилса, унинг умраси дуруст ҳисобланади. Лекин соч қирдиришдан олдин жимоъ қилгани сабабли жаримасига бир қурбонлик вожиб бўлади.

(“Фатово Тоторхонийя”, “Фатово ҳиндийя”).

Ҳилда яшовчи аёли билан яқинлик қилса

Ҳарам ҳудудидан ташқарида яшовчи киши умра қилгач, соч қирдирмай, хотини билан қўшилса ва ватанига боргандан сўнг соч қирдирса, нима бўлади?

Ҳарам ҳудудидан ташқарида яшовчи киши умрадан сўнг соч қирдиришни муҳим санамагани учун умра қилгач, Ҳарам ҳудудидан сочини қирдирмай ташқарига чиқиб, хотини билан қўшилса, ундан сўнг сочини қирдирса ёки қисқартирса, бу суратда унга икки қурбонлик вожиб бўлади: биринчи қурбонлик - соч олдиришдан олдин жимоъ қилгани учун, иккинчи қурбонлик - (қувватли ва фатво берилган қавлга кўра) Ҳарам ҳудудидан ташқарида соч қирдиргани учун. Яна, агар соч қирдиришдан олдин бошқа-бошқа жойларда хотини билан бир неча бор жимоъ қилса, неча марта жимоъ қилган бўлса, шунча қурбонлик вожиб бўлади.

(“Фатово Тоторхонийя”, “Фатово ҳиндийя”, "Фатҳул Қадийр")

Жиддага етгач, бирор тўсиқ сабабидан умра эҳромидан чиқиш

Ҳаж ёки умра қилиш учун эҳром ҳолатида кетаётган киши бирор иш сабабидан Жидда ёки бошқа жойда тўхтатиб қолинса ёки қамалса, у Ҳарам ҳудудида қурбонлик қилдиргандан кейин, сочини олдириб эҳромдан чиқади. Агар ўша кишининг эҳроми умра учун боғланган бўлса, у учун келгусида бир умрани қазо тарзида адо этмоғи кифоя қилади, унга бирор каффорат лозим бўлмайди. Агар ўша эҳромини ҳаж учун боғлаган бўлса,

келгусида бир ҳаж ва бир умрани қазо тарзида адо қилмоғи кифоядир, унга ҳам каффорат лозим бўлмайди.

Агар (ўша тўхтатиб қолинган киши) Ҳарам ҳудудида қурбонлик қилдирмасдан эҳромдан чиқса ва бу эҳроми ҳаж учун боғланган бўлса, унга келгусида бир ҳаж, бир умра ва бир каффорат қурбонлиги лозим бўлади. Агар эҳроми умраники бўлса, бир умра ва бир каффорат қурбонлиги вожибдир.

("Зубдатун носик", "Авжазул масолик").

Умра тавофини ҳайз ёки жунублик ҳолатида қилиш

Агар биров ҳайз ёки нифос ёхуд жунублик ҳолатида умра тавофини қилса, жаримасига бир қурбонлик лозим бўлади. Агар поклангандан кейин умра тавофини қайта адо этса, жарима қурбонлиги соқит бўлади.

Фоида. Ҳайз ёки нифос ёхуд жунублик ҳолатида ёки оддий бетаҳорат ҳолда умра тавофини қилганда қурбонлик вожиб бўлади. Бунда мукаммал тавоф ёки бир-икки айлананинг ҳам ҳукми бир хил, яъни қурбонлик ҳар қандай суратда ҳам вожиб.

("Ғунятун носик").

Умра тавофини таҳоратсиз ҳолда қилиш

Агар киши умра тавофини таҳоратсиз ҳолда қилса, жаримасига бир қурбонлик лозим бўлади ва бу ҳукм умра тавофининг биргина айланасини бетаҳорат қилган кишига ҳам тегишлидир. Яна, агар бир айланани тарк қилса ҳам қурбонлик вожибдир, агар тавофни бошқатдан қилиб олса, қурбонлик соқит бўлади.

("Ғунятун носик").

Ҳайздан пок бўлган аёл

Ҳайздан пок бўлгандан кейин умра арконларини адо қилиш ўрнига Ҳарамдан ташқарига чиқиб, иккинчи бор эҳром боғлаган аёл

Бир аёл умра эҳромини боғлаб олган эди, ҳали умрасининг бирор рукнини адо қилмасдан, ҳайзи бошланиб қолди. Шунинг учун пок бўлишини кутиб турди ва пок бўлгач, ғусл қилиб умра арконларини адо қилиш ўрнига Оиша розияллоҳу анҳонинг масжидига бориб, иккинчи марта умра эҳромини боғлаб олди, бу суратда у аёл нима қилади?

У аёл икки умрани жам қилди. Бир умрага эҳром боғлангандан сўнг, унинг арконларини мукаммал бажариб, эҳромидан чиқишдан олдин яна бир умра эҳромини боғлашни тадохули умратайн (яъни, икки умранинг бир-бирига кириши) дейилади. Ваҳоланки, бундай қилиш шаръан дуруст эмас.

Юқорида зикр қилинган аёлга кейинги умрасини тарк этишни ният қилмоғи ва аввалги умрани адо қилиш нияти билан умра арконларини бажармоғи, охирида эса икки умрани жамлагани сабабли бир қурбонлик ва тарк этилган умра қазосини адо этиши ҳам лозим бўлади. Хуллас, унга ҳаммаси бўлиб икки умра ва бир қурбонлик лозимдир.

("Ғунятун носик").

Тавоф ва саъй қилгандан кейин соч қирдирмай, бошқа умра учун эҳром боғлаш

Бир киши умра эҳромини боғлаб, тавоф ва саъй қилгандан сўнг, соч қирдирмай, иккинчи умра учун эҳром боғласа, унга бу суратда иккинчи умрани тарк қилмоғи жоиз эмас. Балки ўша ҳолатда биринчи умра учун соч қирдиришдан аввал иккинчи умранинг тавоф ва саъйини қилиб, бирданига икки эҳромдан чиқади. Лекин икки эҳромни жам қилгани сабабли бир қурбонлик лозим бўлади. Агар иккинчи умранинг тавоф ва саъйидан фориғ бўлмай туриб, аввалги умра учун соч қирдирса, иккинчи қурбонлик ҳам лозим бўлади. Агар аввалги умра учун сочни иккинчи умрадан фориғ бўлгандан кейин қирдирса, иккинчи қурбонлик лозим бўлмайди.

("Китобул фиқҳ").

Бир умра туфайли иккинчи умранинг ўз-ўзидан тарк бўлиши

Агар киши бир умра тавофидан олдин иккинчи умра учун эҳром боғлаб, умра арконларини бажарса, бу - аввалги умра арконларидан саналади, гарчи ўша киши иккинчи умрани тарк этишни ния қилмаса ҳам, у (иккинчи умра) ўз-ўзидан тарк бўлган ҳисобланади. Унга иккинчи умранинг қазосини бажармоғи ҳамда икки умра эҳромини жамлагани учун қурбонлик ҳам лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

Икки эҳромнинг бир-бирига киришиб кетиш шакллари

Бу ўринда икки эҳромни жамлашнинг олти шаклини келтириб ўтамиз:

1. Киши икки умра учун, бирдан икки эҳромни боғласа, ёки биринчи умра тавофини қилишдан аввал иккинчи умра учун ҳам эҳром боғласа, бу суратда иккинчи умра (мазкур киши уни тарк этишни хоҳ ния қилсин, хоҳ қилмасин) ҳар ҳолда ҳам тарк бўлади. Шунинг учунки, умра амалларига киришилгач, у аввалги умра амалларидан саналади. Иккинчи умрани тарк этишни ния қилмаса ҳам, у (иккинчи умра) тарк қилинган деб саналади.

Бундай қилган кишига бир қурбонлик ва бир умра қазоси лозим бўлади.

2. Киши аввалги умра тавофини қилди, лекин хали саъй қилмай ва соч олдирмай туриб, иккинчи умрага эҳром боғлади. Бу суратда ҳам унга иккинчи умрани тарк этиш ҳамда бир қурбонлик ва иккинчи (тарк этилган) умранинг қазоси лозим бўлади.

3. Аввалги умранинг тавофи ва саъйидан фориғ бўлди, лекин ҳали соч олдирмай туриб, иккинчи умра учун эҳром боғлади. Бу суратда иккинчи умрани тарк қилиш жоиз эмас, балки аввалги умра учун соч олдиришдан олдин иккинчи умра арконларини адо қилиб, иккаласи учун биргаликда соч олдириб эҳромдан чиқиши ва икки умрани жамлагани сабабли бир қурбонлик сўйиши лозим бўлади.

4. Аввалги умранинг тавофи ва саъйидан фориғ бўлгач, соч олдиришдан олдин иккинчи умра учун эҳром боғлади, бироқ кейин иккинчи умра арконларини адо қилмай туриб, аввалги умра эҳромидан чиқиш учун соч олдирди, бу суратда иккинчи умра арконларини адо этиш ҳамда иккита қурбонлик сўйиш лозим бўлади: бири – икки умрани жамлагани учун, яна бири – иккинчи умра арконларини адо қилишдан олдин соч олдиргани учун.

5. Киши ифрод ҳажи учун эҳром боғлагач, тавофи қудумдан олдин умра учун ҳам эҳром боғлади. Бу суратда мазкур киши қирон ҳажи қилувчига айланади, лекин шу билан бирга у суннатга хилоф ишни амалга оширган ҳисобланади. Чунки, ҳаж эҳромидан кейин умра учун эҳром боғлаш машруъ (шаръий жиҳатдан дуруст) бўлмаган амалдир. Қирон ҳажи суннатга мувофиқ тариқада бўлиши учун киши ҳаж ва умра эҳромини бирга боғлаш керак ёки умра эҳромини ҳаж эҳромидан олдин боғлаш керак. Юқорида эса бундай бўлмади, балки ҳаж эҳромидан кейин умра учун эҳром боғлаб олди. Лекин, шундай бўлсада бу шахс қирон ҳажи қилувчига айланди ва унга қирон ҳажининг шукрона қурбонлиги ҳамда Арафот вуқуфидан олдин умра арконларини адо қилиш лозим бўлади. Акс ҳолда умра ботил бўлиб қолади.

6. Ифрод ҳажи учун эҳром боғлаб олган одам тавофи қудумни бажарганидан кейин умрага эҳром боғлаб олса, умрани тарк қилиши ҳамда бир қурбонлик сўйиши шу билан бирга мазкур умранинг қазоси ҳам лозим бўлади. Агар у умрани тарк қилмаса ва Арафот вуқуфидан олдин умра арконларини ҳам адо қилса, қирон қилувчига айланмайди. Балки шаръий бўлмаган иш – икки нусукни (ибодатни) жамлашни амалга оширган ҳисобланади. Унга бир жиноят қурбонлиги лозим бўлади, лекин шукр қурбонлиги лозим эмас.

Биринчи умра саъйидан олдин иккинчи умрага эҳром боғлаш

Бир киши умрага эҳром боғлаб, тавоф қилди. Лекин, умра саъйини қилмасдан, Оиша розияллоҳу анҳонинг масжидларига бориб, иккинчи умрага эҳром боғлаб келди. Кейин иккинчи умранинг тавоф ва саъйини қилиб, эҳромдан чиқди, бироқ аввалги умра саъйини қилмади. Бундай қилган кишига шариат ҳукми нима?

Жавоб шуки, унинг зиммасига аввалги умранинг саъйини адо этиш ҳамда икки жиноят сабабидан икки қурбонлик ҳам лозим бўлади.

1) бир жиноят шуки, у икки умрани жамлади, бу эса қурбонликни вожиб қилади.

2) яна бир жиноят шуки, у аввалги умра саъйидан олдин эҳромдан чиқди, бу ҳам қурбонликни вожиб қилади.

("Биноя", "Ғунятун носик").

Умра тавофидан кейин, саъйдан олдин тикилган кийим кийиб олиш

Бир одам умра эҳромини боғлаб, умра тавофини қилгач, (Сафо ва Марва саъйи қандай амал эканлиги ёки унинг қай даражада муҳимлигини билмагани туфайли) саъй ҳам қилмай, соч ҳам олдирмай, тикилган кийим кийиб олса, бу борада шариат ҳукми нима?

Агар у одам 12 соатдан кам вақт тикилган кийим кийиб юрса, тезда бу кийим ўрнига яна эҳромини боғлаб, саъй қилсин ва соч қирдириб, эҳромдан чиқсин. Бу суратда каффоратига бир садақа (ярим соъ буғдой) бермоқ кифоя қилади. Агар 12 соат ёки ундан зиёда вақт кийган бўлса, ўша кийимда саъй қилиб, сочини олдириб, эҳромдан чиқади ва унинг зиммасига бир қурбонлик вожиб бўлади. Демак, бу суратда қайта эҳром боғлаш лозим эмас, балки шу (тикилган кийимдалик) ҳолат унинг учун эҳром ҳолати ҳисобланади. Агар бир соатдан кам вақт тикилган кийим кийса, унда бир ҳовуч буғдой ёки унинг қийматини садақа қилса, кифоя.

("Раддул муҳтор", "Ғунятун носик").

Умра эҳромидан кейин тавоф ва саъй қилмасдан тикилган кийим кийиб олиш

Агар бир киши умрага эҳром боғлагандан кейин, Маккаи мукаррамага кириб, тавоф, саъй ва соч қирдиришдан олдин турар жойига жойлашгач, илмсизлиги боис хотиржам ювиниб, тикилган кийимини кийиб олиб, бепарво айланиб юраверса, кейин кимнингдир огоҳлантириши билан буни сезиб қолса, бунинг ҳукми нима бўлади?

Бунинг ҳукми шуки, агар ўша киши тикилган кийимни 12 соатдан кўпроқ кийган бўлса, бу суратда тавоф ва саъй қилгач, сочини қирдириб, эҳромдан чиқади ва каффоратига бир қурбонлик сўйиши вожиб бўлади. Агар 12 соатдан кам ва бир соатдан кўпроқ кийган бўлса, бир садақа (ярим соъ буғдой) бермоқ кифоядир. Агар бир соатдан кам вақт кийса, бир ҳовуч буғдой ёки унинг қийматини садақа қилади.

("Ғунятун носик").

Эр хотинининг умрасини фосид қилса...

Бир одам аёли билан бирга умра эҳромини боғлади, лекин умра тавофини адо қилишдан олдин аёлнинг ҳайзи келиб қолди. Шу сабабли у пок бўлгунча тўхтаб турди, эри эса умранинг барча арконларини адо қилиб, эҳромдан чиқди. Бир неча кундан сўнг, аёл ҳайздан пок бўлиб, ғусл қилгач, ҳали у умра тавофи ва арконларини бошламай туриб эри унга яқинлик қилиб қўйди. Бу суратда аёлнинг умраси фосид бўлиб, унинг зиммасига бир умра қилиш ва бир қурбонлик сўйиш вожиб бўлади. Эрига эса ҳеч қандай каффорат вожиб эмас.

Албатта, эр аёлининг умрасини фосид қилгани учун гуноҳкор бўлади ва у тавба қилмоғи лозим. Яна, аёл киши эридан қурбонлик ёки унинг қийматини ундириб олишга ҳаққи йўқ. Чунки, қурбонлик эрга эмас, аёлнинг зиммасига вожибдир. Ҳа, агар эр ўзи рози бўлиб, аёлининг каффоратини адо этса, бу жоиз.

("Фатово Тоторхонийя", "Ғунятун носик").

Умра эҳромидан кейин аёли билан қўшилмоқ

Агар эр-хотин умра эҳромига киргач, меҳмонхонага бориб дам олсалар ва шу ҳолатда нафслари ғолиб келиб, тавофни бошлашдан олдин бирга яқинлик қилсалар, бу суратда иккаласининг ҳам умраси фосид бўлади. Уларнинг зиммасига иккинчи бор эҳром боғлаб, бошқа умра қилишлари ва шу билан бирга биттадан қурбонлик сўйишлари ҳам вожиб бўлади.

Худди шундай, агар тиқилинчда тавофни бошласалар ва ҳали тўрт айлана тўлиқ адо бўлмасдан чарчаб қолганлари сабабли қолган айланаларни тўхтатиб, меҳмонхонага дам олгани борсалар, кейин у ерда яқинлик қилиб

қўйсалар, бунда ҳам умралари фосид бўлади. Иккинчи бор эҳром боғлаб, янгидан умра қилмоқ ва бир қурбонлик сўймоқ эрга ҳам аёлга ҳам вожиб бўлади. Агар тавофнинг тўрт айланаси ёки ундан кўп қисми битгандан сўнг, шундай воқеа содир бўлса, умра фосид бўлмайди. Балки, фақат биттадан қурбонлик қилишлари кифоя қилади.

Агар бу воқеа мукаммал тавофни адо этгач, саъй қилишдан олдин ёки саъй тугагач, соч қирдиришдан олдин юз берса, бу суратда ҳам эр-хотинга биттадан қурбонлик вожиб бўлади. Чунки, киши умра саъйини адо қилиб, соч олдирмагунича эҳромдан чиқа олмайди. Шунга биноан саъй ёки соч олдиришдан олдин аёли билан қўшилган киши эҳром ҳолатида қўшилган деб ҳисобланади. Эҳром ҳолатида аёли билан қўшилган кишига эса қурбонлик вожибдир. Албатта, соч қирдиришдан кейин бу воқеа юз берса, ҳеч қандай каффорат лозим эмас.

("Ғунятун носик").

Умра эҳромини Ҳарам ҳудудида боғлаш

Умра мийқоти Ҳарам ҳудудидан ташқаридаги жойлардир. Шу сабабли хоҳ Макка аҳли бўлсин, хоҳ ҳил аҳли ёки офоқий бўлсин, унга умра эҳромини Ҳарам ҳудуди ичида боғлаш шаръан дуруст эмас, балки Ҳарам ҳудудидан ташқарида – ҳил ёки офоқда боғлаш вожибдир. Агар умра эҳроми Ҳарам ҳудудида боғланса, вожиб тарк бўлгани сабабли бир қурбонлик вожиб бўлади. Албатта, бундай қилган киши умра арконларини адо этишдан олдин Ҳарам ҳудудидан ташқарига чиқиб, янгитдан умра эҳромини боғласа, қурбонлик соқит бўлади. Шунингдек, ҳаж қилиш учун ташқаридан Маккаи мукаррамага келган кишилар умра эҳромини ечиб, ҳаждан олдин ёки кейин у ерда турган вақтларида умра қилишни хоҳласалар, улар ҳам Ҳарам ҳудудидан ташқарига чиқиб, умра эҳромини боғлашлари вожибдир. Акс ҳолда, уларга қурбонлик лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

Иккинчи бор умра эҳромига кириб ҳайз кўриб қолса

Таматтуъ қилувчи аёл ҳаждан олдин Мадинаи мунавварадан қайтишда иккинчи бор умра эҳромига кирса, сўнг ҳайз кўрса нима бўлади?

Офоқий аёл таматтуъ ҳажини ирода қилиб, умра эҳромига кирди ва Маккаи мукаррамага келиб, умра арконларини адо қилгач, эҳромдан чиқди ва ҳаждан олдин Мадинаи мунаввара га жўнаб кетди. Сўнг у ердан қайтишда яна умра учун эҳром боғлади ва (йўлда ёки Маккаи мукаррамага етиб келгач) умра арконларини адо қилишдан олдин ҳайз кўриб қолди. Унинг ҳайз ҳолати тугамасдан, зулҳижжанинг 8-куни, яъни ҳаж учун эҳром боғлаш вақти келди. Энди у аёл нима қилиши лозим?

Бу суратда у аёлга лозим иш шуки, умра эҳромини тарк қилиб, сочининг ҳаммасини жамлаб, учидан бир бўғим миқдорича (тахминан 3см) кесиб ташлайди ва эҳромдан чиқади. Кейин ювиниб, ҳаж эҳромига киради. Ҳаждан фориғ бўлгач, Оиша онамиз розияллоҳу анҳо масжидларига бориб, (тарк этилган) умра учун эҳром боғлаб келади ва уни адо этади. Бундан ташқари, унинг зиммасига иккита қурбонлик сўйиш ҳам лозим бўлади:

1. Таматтуъси дуруст бўлгани учун шукр қурбонлиги. Мазкур қурбонлик гўштидан аёлнинг ўзи ҳам ейиши мумкин.

2. Умраси бузилгани учун жарима қурбонлиги. Аёл учун унинг гўштидан ейиш жоиз бўлмайди.

("Фатово тоторхонийя").